

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>34.Канимкулов О.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
<b>35.Камолов Ж.М.</b> ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
<b>36.Курязова Д.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
<b>37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.</b> БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
<b>38.Исматова Н.К.</b> ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
<b>39.Исматуллаев Ф.О.</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
<b>40.Кадирова М.Т.</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
<b>41.Каромов Ф.Ҳ.</b> ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
<b>42.Мажидов Ш.Ф.</b> МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
<b>43.Мамадаминова Б.</b> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
<b>44.Mattiyev O'.B.</b> TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....	353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Каромов Фулом Ҳамидович,  
Ижтимоий фанлар факультети ўқитувчиси  
Қарши давлат университети

## ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

*For citation: Karomov Gulom Hamidovich. PROTECTION OF MOTHERHOOD AND CHILDHOOD IN TURKESTAN. Look to the past. 2020, SI, pp. 334-339*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-41>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистон АССРда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдаги ютуқ ва камчиликлар, соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат муассасаларининг очилиши, ўлкада турли юқумли ва ижтимоий касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда тиббий кадрлар муаммоси таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, соғлиқни сақлаш, врач, аҳоли, касаллик, шифохона, амбулатория, эпидемия, санитария, бўлим, шаҳар.

Каромов Фулом Ҳамидович,  
Преподаватель Каршинского  
государственного университета

## ОХРАНА МАТЕРИНСТВА И ДЕТСТВА В ТУРКЕСТАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируются достижения и недостатки в здоровья матери и ребенка в Туркестанской АССР, открытие государственных учреждений по охране материнства и детства, борьба с различными инфекционными и социальными заболеваниями стране и проблемы медицинского персонала.

**Ключевые слова:** Туркестан, здравоохранения, врач, населения, заболевания, больница, амбулатория, эпидемия, санитария, отделения, город.

**Karomov Gulom Hamidovich,**  
Teacher of the Faculty of Social Sciences  
Karshi State University

## PROTECTION OF MOTHERHOOD AND CHILDHOOD IN TURKESTAN

### ABSTRACT

Achievements and shortcomings in maternal and child health in Turkestan ASSR, analysis of health care system, opening of state in institutions of protections of motherhood and childhood, measures to combat various infectious and social diseases in the country and problems of medical personnel.

**Index Terms:** Turkistan, healthcare, doctor, population, illness, hospital, dispensary, epidemic, sanitary, section, town.

Долзарблиги. Инсон саломатлигини муҳофазалаш иши кўп жиҳатдан онанинг соғлигига боғлиқ. Оналар ва болалар туғрисида ғамхурлик қилиш ва улар саломатлигини муҳофазалаш ҳар бир инсонпарвар давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Совет тузуми ҳукмронлигининг дастлабки йилларида бу соҳада муайян чора-тадбирлар амалга оширилган.

Туркистонда XX аср бошларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бирорта ҳам муассаса йўқ эди. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб 116 та туғруқ ўрни бўлса, Арманистон ва Тожикистонда бирорта ҳам бундай ўрин йўқ эди.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тарихий-қийёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулосалар бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндашув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Шунингдек, тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "соғлом она ва соғлом бола" тамойилини ривожлантириш борасида қабул қилган қарорлари ташкил этади.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Аёлларга тиббий ёрдам асосан халқ табobati вакиллари томонидан кўрсатилган. Ҳомиладор аёллар доялар ёрдамида фарзандини дунёга келтирган. Аёлларга етарли тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги туфайли оналар ва болалар ўлими юқори даражада бўлди. Туркистонда ҳар йили туғриқдан кейинги септик касалликлар оқибатида 30 мингдан ортиқ аёл дунёдан кўз юмди. Болалар ўлими ҳам юқори эди. Тиббий статистиканинг юритилмаганлиги туфайли бу борада аниқ рақамларни келтириш мушкул. Туғилган чақалоқларнинг 27 фоизи 1 йилгача яшамаган, 43 фоизи эса 5 йил ҳам умр кўрмаган.[4] Қиз болани эрта турмушга бериш одатий ҳол бўлган. Балоғатга етмаган ёш қизларни эрга бериш натижасида уларнинг кўпи оғир касалликларга чалинган. Ҳар 100 та ўғил болага 9 ёшга қадар 101 та қиз бола туғри келган, 10 дан 66 ёшгача бўлган 100 кишига эса 83 та аёл туғри келган. Шундай қилиб, Туркистонда ҳар 1000 та эркакка 883 та аёл туғри келган.[4]

Аҳоли орасида санитария маорифлигининг пастлиги, қолаверса турмуш шароитининг қолақлиги, аёлларга феодализм муносабат, болалар парвариши бўйича билимларнинг етарли эмаслиги аҳволни янада қийинлаштирди.

Бола туғилганда ҳаёт учун анча хавфли бўлган расм-русумлар адо этилган. Туғилган чақалоқни доя тупроқ аралаштирилган илиқ сувда чўмилтирган, гўё бола одамлар назарида туғилаётганидаги нопокликдан холос бўлган. Бу эса бола терисининг бурмаларига, киндик орасига кириб қолган ва кўпинча қоқшол касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Болалар ўртасида чечак, қизамиқ, дизентерия, трахома, меъда-ичак касалликлари, рахит билан оғриш кўп бўлди. Санитария гигиена талабларига риоя қилинмаслиги оқибатида болалар ўртасида турли юқумли касалликлар кўпайиб борган. "Болаларнинг нормал ҳаёт кечириши учун нормал шароитнинг бўлмаслиги, - дейди Наливкин, - кўпинча шунга олиб келардики, чиройли, юзи лўппи мағиздек соғлом болалар ҳар қадамда учради, бироқ айни вақтда тикмачокдек мускулли қўл ва оёқлар, пропорционал қорни фақат икки-уч ёшли болаларда учрарди. Кейинчалик уларнинг оёқ-қўллари чиллакдек бўлиб қолар, 5-6 ёшда қорни жуда қомайиб кетарди. Олти-етти ёшларга борганда семизликдан асар ҳам қолмас, фақат суягининг йўғонлигидан семизга ўхшаб кўринарди. Буларнинг барчаси ўрта ёшдаги маҳаллий болаларнинг етарли даражада овқатланмаганини, шароитнинг ёмон бўлганини кўрсатади, бу эса ўлим ва касаллик ҳодисаларига шубҳасиз таъсир қилган. Қишда болалар кўчада қор ва ёмғирда калта чопон кийиб гоҳ яланғоёқ, гоҳ сарпойчан калош кийиб юришган. Уларнинг ўлмай, тирик юрганига хайрон қоласан киши!" [4]

Туркистонда болаларнинг мактабгача муассасаси деярли бўлмаган. Тошкент, Ашхабод ва Олмаотада бир неча пулли хусусий боғчалар бор эди. Тошкентда биринчи марта болалар боғчаси 1876 йили аёллар гимназияси қошида очилди. Тошкентда 1872 йилда ёрдам кўрсатиш жамияти ташаббуси билан Кауфман етимхонаси очилди. Самарқандда худди шундай етимхона 1879 йил 14 июнда очилади. Шунингдек, 1886 йил 1 апрелда Тошкентда Александровский деб аталган ўғил болалар етимхонаси ташкил этилади. Етимхонада ўғил болалар 16 ёшгача тарбияланиб бирорта хунар ўргатилган. Етимхоналарда шароит жуда оғир эди. Ёш болаларнинг ярмидан кўпи ўлиб кетган.

Совет давлатида 1917 йил 27 декабрда сўнг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича давлат коллегияси тузилди. 1918 йил 31 январда она ва болага хизмат кўрсатадиган барча муассасаларни ягона умумдавлат ташкилотига қўшиш ҳақида декрет чиқарилди.[4] Бу ҳужжатда шундай дейилган эди: "Эндигина ёруғ дунёга келиб кўз очган икки миллион бола Россияда эзилган халқнинг нодонлиги ва онгсизлигидан, синфий давлатларнинг қарамаслиги ва бефарқлиги туфайли ўлиб кетарди. Икки миллион онанинг қонли кўз ёшлари рус ерига тўкилар, ногирон давлат тузимининг бекорга ўлиб кетган бегуноҳ қурбонларнинг қабрларига қадоқ босган қўллари билан тупроқ тортарди. Инсоният заковати асрлар оша қидирган йўлини топди, ниҳоят эркин, қурилишнинг нурафшон, бахтли бепоён даврига етиб келди, ишчи синф ўз қўли билан бола учун онани, она учун болани сақлаб қолиш керак бўлган болалик ва оналикни муҳофаза қиладиган йўлларни ишлаб чиқди".[4] Бу декретда яна шундай дейилган эди: "Сизларни, ишчи аёллар, меҳнаткаш гражданкалар, оналар, жамоат ҳаётини қурувчи жасурларни, гоъвий педагогларни, болалар врачлари ва акушерларни, барчангизни Советлар Россияга ақл-заковат ва ҳиссиёт билан келажак авлод социалистик муҳофазасининг буюк биносини қуришга чақиради".[4] Шунингдек, совет давлатининг "Иш кунини 8 соат қилиш", "Иш вақтининг муддати ва тақсимланиши", "Социал страхование ҳақида", "Касал бўлиб қолиши мумкинлиги юзасидан страхование қилиш" ва

бошқа декретлар ишчи-аёлларга ва уларнинг болалари саломатлигини муҳофаза қилишда муайян даражада роль ўйнади.

Совет ҳукуматининг қонун ҳужжатларига мувофиқ 14 ёшга кирмаган болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш "тақиқланди". Шунингдек, ҳужжатларда 18 га етмаган болаларнинг иш вақти 5 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи аёлларга ҳомладорлиги даврида ва туққанда иш ҳақи тўла сақланиб қолган ҳолда 12 ҳафта, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи аёлларга 16 ҳафта таътил берилди. Ҳар бир эмизикли она ҳар уч соатда боласини эмизиб келиши учун ярим соат ишдан кетиши мумкин бўлди.

Бундан ташқари 1919 йили партиянинг VIII съездида қабул қилинган янги дастурга мувофиқ аёлларнинг кечаси ишлаши тақиқланди, аёлларнинг ҳомладорлигида - туғишидан 8 ҳафта олдин ва туққанидан кейин 8 ҳафтага ишдан озод қилиб, иш ҳақини тўла сақлаб қолиши ва шу давр мобойнида уларга бепул врачлик ёрдами кўрсатиш ҳамда дори-дармонлар бериш, аёллар ишлайдиган заводларда, фабрикалар ва бошқа корхоналарда кичик ёшдаги болалар учун ясли қуриш ва болаларни эмизиш учун хона ажратиш, бола эмизадиган аёлни ками билан ҳар 3 соатда ярим соатга ишдан озод қилиш, эмизадиган аёлларга нафақа бериш ва уларнинг ишини 6 соатгача қисқартириш масалалари белгиланди.[4]

1918 йил 14 сентябрда Халқ Комиссарлар Советининг "Болалар овқатини яхшилаш ҳақида"ги қарорига асосан эмизикли оилаларга ва аёлларга биринчи категориядаги паёкни бериш, 1 ёшгача бўлган болаларга кўшимча карточка, 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга махсус болалар карточкасини бериш тартиби белгиланди. Баъзи шаҳарларда 14 ёшгача бўлган болаларга давлат ҳисобидан бепул овқат бериш ташкил этилди.

1918 йили ишчи аёлларнинг Биринчи Бутуниттифоқ съезди чақирилиб, унда 1147 делегат аёл қатнашди. Мазкур съездда болалик ва оналикни муҳофаза қилиш масаласи ҳам тўхталиб ўтилди. Аёлларни жамоат ҳаётига жалб этиш, болалар тарбиясини яхшилаш, болалар ўлимининг кўплигига қарши курашдаги асосий вазифалардан бири деб белгиланди. Совет давлатида Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги қошида "Болаликни муҳофаза қилиш Совети" ташкил этилди. Унга болаларга алоқадор бўлган барча халқ комиссарликлар, яъни Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги, Озиқ-овқат халқ комиссарлиги, Ички ишлар халқ комиссарлиги вакиллари кирди. Бундан ташқари Ф.Э. Дзержинский раислиги махсус комиссия тузилди. Унга болаларни ва болалар муассасаларини озиқ-овқат, уй-жой, ёқилғи билан таъминлаш, шунингдек болалар бошпанасизлигига қарши аёвсиз кураш олиб бориш топширилди.

Туркистонда совет ҳокимияти дастлабки йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг йўлга қўйилиши жараёнида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишига жиддий эътибор қаратилди. 1920 йили Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги таркибида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилди.

Туркистон АССРда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини олиб боришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Эски Тошкентда биринчи ясли очилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Криловский кўчаси 4 уйда 12 ўринли "она ва бола" уйи очилди. "Ёш коммунар" уйини ташкил этиш бўйича ғам тадбирлар олиб борилди.[6]

1921 йили совет давлатида юз берган очарчиликда 25 миллион киши азият чеккиб, улардан 25-30 фоизини болалар ташкил этди. Шу йили Россиянинг

марказий шаҳарларидан 55355 бола кўчирилди. Биргина Туркистоннинг ўзига 25.000 бола кўчириб келтирилди.

1918 йили Тошкент шаҳар касалхонаси болалар шифохонасига айлантирилди.[1] 1919 йил апрелда Самарқандда аёллар ва болаларга мўлжалланган 45 ўринли "Пролетарская" номли шифохона очилиб, ёзга келиб ундаги ўринлар сони 75 та бўлди.[1]

1920 йил январда Туркистон Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлигида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилди.[1] Мазкур бўлим таркибида Сирдарё вилоятида 150 ўринли 5 та ясли, 1 болалар маслаҳатхонаси, 2 та она ва бола уйи, 4 та гўдаклар уйи, Самарқанд вилоятида эса 90 ўринли 3 та ясли, 1 та болалар маслаҳатхонаси, 2 та она ва болалар уйи, Фарғона вилоятида эса фақат 1 та ясли, 1 та болалар маслаҳатхонаси, 5 та гўдаклар уйи фаолият кўрсатди. [7]

Ўша давр қийинчиликларидан келиб чиқиб, даволаш муассасалари узлуксиз фаолият юрита олмади. Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш муассасаларининг баъзилари иқтисодий қийинчиликлар туфайли қисқартириди. Туркистонда 1921-1923 йиллар давомида 75 фоиз болалар муассасалари қисқартирилди. Шаҳарлардаги аёллар маслаҳатхоналари ёпилиб, яслилар давлат таъминотидан чиқарилди.[8] Самарқанд болалар шифохонасидаги ўринлар 75 тадан 25 тага камайтирилди. Бундан ташқари бу шаҳардаги 2 та гўдаклар уйи биттага бирлаштирилиб, "Капли Малоко" уйлари, чақалоқлар уйи фаолияти тухтатилди. Бошқа шаҳарларда ҳам аҳвол шундай эди. Масалан, Каттакўрғон ва Жиззах шаҳарларида ҳам маслаҳатхона ва туғруқ уйлари ҳам қисқартирилди. [2]

#### 4. Хулосалар:

1923 йилда биринчи марта Тошкент шаҳрида аёллар маслаҳатхонаси ташкил этилди. Шунингдек, 1924 йилнинг охирида Тошкентнинг "эски шаҳар" қисмида ҳам аёллар маслаҳатхонаси очилиб, Тошкент шаҳар шифохонаси қошида 30 ўринлик туғуриқ бўлими, Олмазорда 25 ўринлик акушерлик-гинекология шифохонаси, Самарқандда 20 ўринлик туғуриқхона очилди.[5]

"Оналик ва болаликни ҳимоя қилиши иши давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айлантирилиши биринчи бўлиб совет Россиясида қўлланилди" дея таъкидланади совет матбуоти саҳифаларида. Россиянинг марказий ҳудудларида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тadbирлари узлуксиз олиб борилиб, унинг тармоғи кенгайтирилиб борилса, Туркистон шаҳарларида бу турдаги муассасалар қисқартилди. [2]

1924 йилда республикада оналик ва болаликни муҳофаза қиладиган 18 та муассаса, жумладан, 8 та болалар маслаҳатхонаси, 80 ўринли 3 та ясли, 900 ўринли 11 та болалар боғчаси ва 7 та оналар ва болалар уйлари фаолият кўрсатди.[3]

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ниязов Д.М. Охрана здоровья детей в Туркистанской республике в 1917-1924 гг. // Советское здравоохранение 1962, № 12, С. 48.

Niyazov D.M. Children's health protection in the Republic of Turkmenistan in 1917-1924. // Soviet Health Care 1962, No. 12, p. 48.)

2. Советское здравоохранение, 1962, №12. С.50-56. (Soviet Health Care, 1962, No. 12. S.50-56.)

3. Тўлаганов Қ.С. Ўзбекистонда болалар соғлиғини сақлаш.- Тошкент.: Медицина, 1976.-Б (Tulyaganov Q.S. Child Health in Uzbekistan - Tashkent: Medicine,

1976.-В)

4. Ўзбекистонда она ва болалар соғлиғини сақлаш Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти.-Тошкент,1971.- Б. (Maternal and child health in Uzbekistan Publication of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan - Tashkent, 1971. - p.)

5.Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ишларининг 25 йиллиги.-Тошкент.; Ўзбекистон давлат нашриёти, 1949. (25th Anniversary of Health Care in Uzbekistan - Tashkent; State Publishing House of Uzbekistan, 1949.)

6.Ўзбекистон Миллий архиви (ЎМА), 25-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 5-15-варақлар.(Central State Archives of the Republic of Uzbekistan (NA of the Republic of Uzbekistan), Fund 25, list 1, 333 case, pages 5-15.)

7. ЎМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 979-иш, 12-16-варақлар.(NA of the Republic of Uzbekistan), Fund 25, list 1, 979 case, pages 12-16.)

8. ЎМА, р-40-фонд, 1-рўйхат, 347-иш, 10-16 варақлар.(NA of the Republic of Uzbekistan), Fund р-40, list 1, 347 case, pages 10-16.)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000